**Жаҳон халқлари жуда қадим замонларда, ҳали маданият деган улкан шоҳсупанинг дастлабки поғоналарида эканликларидаёқ ниҳоят даражада ажойиб ва ғаройиб санъат турларига асос солганларки, улар ҳатто ҳозирги кунда ўша ибтидоий шаклда сақланганликларига қарамай, ҳамон барчанинг ҳайрати ва олқишига сазовор бўлиб қолмоқда.**

Халқ театри санъати ана шундай мўъжизага мисол бўла оладики, у ибтидоий жамоа давридан бошлаб то замонамизгача ўзининг барча хусусиятлари ва мақсад-вазифаларини сақлаб қолган. Халқдан чиққан турли-туман санъаткорлар юз йиллардан буён истеъдодларини намоён этиб, маданиятнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Халқ театри санъати бир неча турларга бўлинади: дорбозлик, масхарабозлик, аскиябозлик, кўзбойлоқчилик, ҳайвон ўргатувчилик ва бошқалар. Азалдан ана шу санъат турларига ўзларида истеъдод ва имконият топган санъаткорлар бирор гуруҳга уюшиб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ томоша кўрсатиб юришган. Карвондай тизилишиб, қуроқ билан қопланган аравалар, саман тойлар, масхарабозлар, полвонлар бутун санъату найрангларини ишга солиб, дабдабаю асъаса ила шаҳар дарвозасидан кириб келганида халқ томоша кўргани ошиқар, чорак танга, ярим танга учун «кўз кўриб қулоқ эшитмаган» мўъжизаларни кўриб қолиш, шу билан оз бўлсада, ҳаёт икир-чикирларини, турмуш ғамларини унутмоқ учун шошилардилар...

Халқни орзиқтирадиган, шаҳар ё қишлоққа кирганида ёшу қари, бола-бақраю обрў кишиларни оҳанграбодай ўзига тортадиган санъаткорлар гуруҳининг ана шундай ажойиб тоифаси қўғирчоқбозлар театри эди.

Қўғирчоқбозлик ўзининг ғаройиб ва жуда чиройли, содда ва беғубор эртаклари, ҳангомалари, латифалари билан нафақат болаларни, балки катта ёшдагиларни ҳам ўзига ром этган санъат туридир. Қўғирчоқ театрининг илдизлари қадимда табиатни илоҳийлаштириш каби маросимларга бориб тақалади. Ибтидоий ҳаёт чоғида инсон ҳали худо деган мўъжизани, чин эътиқодни, динни идрок этмаган. Лекин табиат олдидаги ожизлиги уни нимагадир сиғинишга ва ўша нимадандир мужда ва неъмат сўрашга мажбур этган. Натижада у табиатнинг ҳар бир сирига бир санамни тош ёки ёғоч қўғирчоқни тимсол қилиб, шунга сиғинган ва ҳатто ўзлари ясаган шу қўғирчоқлардан қўрққан ҳам.

Санамларга сиғиниш маросимлари аста-секин сустлаша бориб, инсон идроки тобора шакллана боргач, энди у қўғирчоқлардан бошқа мақсадда ҳам фойдалана бошлади. Шоҳ-шаббадан уй қуришни ўрганган ибтидоий одам эшикка қулф ясашни ҳали билмай туриб, овга кетаётганида «уйда биров бор экан деб, қўрқиб ҳеч ким кирмасин» деган хаёлда катта қўғирчоқ ясаб, эшик олдига ўтказиб кетган. Кейинчалик у ўз душманларини чалғитиш, ҳайвонларни қўрқитиш учун, бора-бора оддий эрмак учун қўғирчоқ ясайдиган бўлди. Инсон ўз фарзанди учун майда-майда ўйинчоқ ва қўғирчоқлар ясаб борди. Шу тариқа қўғирчоқ инсон ҳаётига хайрли ва фойдали нарса бўлиб кириб келди. Эрамиздан аввалги антик даврдаёқ Хитой ва Японияда қўғирчоқни ипга боғлаб ҳаракатга келтириб, афсоналар асосида томоша қўядиган бўлишди. Бу одат Ҳиндистонга, Индонезияга ва бошқа давлатларга ўтди. Шу тариқа бутун Шарқ қўғирчоқ ўйнатиш санъатига мафтун бўлди. Туркия орқали қўғирчоқбозлар Европани ҳам забт этдилар. 18-асрга келиб бутун дунё қўғирчоқбозлик санъати ёки қўғирчоқ театри томошаларига маҳлиё эди.

## Маънавий меросимиздан

# ЧОДИР ХАЁЛ, ЧОДИР ЖАМОЛ ВА ФОНУС ХАЁЛ

Ҳар бир халқнинг ўз қўғирчоқ театри бор. Уни айнан бирор халқники деб бўлмайди. Бу — умуминсоний санъат туридир. Унинг учун чегара, тил, мафкура йўқ, қўғирчоқлар тилини ҳамма жойда ҳар турли одам тушунаверади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос қўғирчоқ театрлари қаҳрамонлари ҳам бор. Италияда Пульчинелла, Францияда Полишинель, Англияда Понч, Германияда Гансвурст, Чехияда Кашпарек, Россияда Петрушка. Ҳар бир қаҳрамон учун умумий хусусиятлар мажмуаси мавжуд. Уларнинг ҳар бири қувноқ, ҳазилкаш, доно, ҳозиржавоб, ҳақиқатгўй, довюрак. Уларнинг бари халқ тимсолидир. Ҳар бир халқ қўғирчоқ қаҳрамони орқали ўзини кўрган, ўзи ҳақида гапирган, ўзини тушунган, ўрганган. Қўғирчоқбозлар халқ айтмоқчи бўлган гапни, қалб сирини, орзу-тилагини қўғирчоқлар тилидан баён этганлар.

Марказий Осиёда қўғирчоқбозлик халқ санъат турларининг энг ривожлангани ва ардоқли бўлиб, аскиябозлик, дорбозлик, масхарабозлик каби ҳар бир киши учун ёқимли ва эъзозли эди. Бу театрнинг қадимдан уч тури бўлган: «чодир хаёл», «чодир жамол» ва «фонус хаёл». «Чодир хаёл» қўғирчоқ театрида қўғирчоқлар иплар ёрдамида ҳаракатга келтирилган. Сайилгоҳ, кўча ёки ҳовлида узунлиги 5—6, бўйи 2—3 метрли рангдор читдан ўртаси кесилган парда (чодир) тутилади. Ички чодир остона, устун, болор, тирговучлардан иборат мослама билан тикланади. Бундай томошалар асосан кечалари кўрсатилиб, ҳар сафар элликтагача қўғирчоқлар ўйнатилган. Чодир хаёл Ўзбекистонда тахминан VI асрда вужудга келиб, XIV асрдан то XVI асргача тараққий этган. Дастлабки томошалар халқ афсоналари мазмунидаги чиқишлардан иборат бўлган. XIX асрга келиб унда феодаллар ҳаёти, сарой аҳли танқид қилиниб, томошалар қўйиладиган бўлди.

«Чодир жамол» қўғирчоқ театрида эса қўғирчоқлар қўлга кийиб ўрнатилган. Шу сабабли у «қўл қўғирчоқ» деб ҳам юритилади. Бу театр турида томошалар фақат кундузи қўйилган. Саҳнаси кўпинча қизил ёки сариқ қаттиқ газламадан халтасимон қилиб тикилиб, у «чодир» деб аталган. Қўғирчоқбоз чодир ичига кириб, унинг қуйи қисмини белига боғлаб қўяди, боши устида турадиган юқори қисми ошиқ-мошиқли болорчўп, остона, иккита ёнчўп ва тирговучлар ёрдамида тўртбурчак саҳна тусини олади. Қўғирчоқбоз ўзи кўринмай, чўккалаб ёки тик турганча, чодир ичига тикилган чўнтакда тахлоғлиқ қўғирчоқнинг боши ва қўллари бармоқларга киргазилади, бармоқларнинг ҳаракатланиши натижасида қўғирчоққа «жон» киради. Чодир жамол театри Марказий Осиёда тахминан 5-асрларда пайдо бўлди, 14 ва 16-асрлар оралиғида кенг тараққий этди. Ушбу театрнинг анъанавий бош қаҳрамони Качал полвон қўғирчоғи бўлган.

«Фонус хаёл» эса қўғирчоқ театрларининг энг қадимий туридир. У Марказий Осиёга Хитойдан ўтган деган тахминлар ҳам бор. Бу санъат XIV асрга келиб гуллади. Фонус хаёлда қўғирчоқлар чарм ёки тахтадан ясалган, бирор қаҳрамон қиёфасини яратишда уларнинг бичими ва ранги муҳим ўрин тутган. Дастачўпни ҳаракатлантириш ва қўғирчоқлар бўғимларига боғланган ипларни тортиш орқали улар «жонлантирилган». Томошалар кечқурун бино ичида ўтказилган. Қўғирчоқлар юпқа оқ парда ортида ҳаракатланиб, уларнинг акси шам ёки фонус ёруғида пардага тушган. Фонус хаёлда асосан қаҳрамонлик достонлари ўйналар эди.

Ўзбек қўғирчоқбозлик санъати ҳам бошқа санъат турлари каби ўзининг устоз санъаткорларига, уста қўғирчоқбозларга эга бўлган. XIX ва XX асрларга келиб, айниқса 1910 йилларда бутун бошли қўғирчоқбозлар сулоласи таркиб топган эди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона қўғирчоқбозлар сулолалари ўзаро беллашувлар ўтказиб турар эдилар. Ўша пайтларнинг машҳур қўғирчоқбоз сулолаларидан иккитаси ўзбек халқ қўғирчоқ театри соҳасига улкан ҳисса қўшганлар. Самарқандлик Абдузойир меҳтар, унинг набираси Новвот бобо Чодир хаёл усталари эдилар. Новвот бобонинг ўғли Қули бобо Новвотов эса қўғирчоқбозлик билан бирга уста сурнайчи ҳам бўлиб, «Ироқи дутор», «Соқийнома» куйларини сурнайда узоқ вақт нафас олмай туриб чала билган.

Иккинчи сулола ғиждувонлик қўғирчоқбозлар авлоди бўлиб, унинг асосчиси Абдукаримхўжадир. Унинг ўғли Сиддиқ калон эса масхарабозлар тўдасининг бошлиғи бўлиб, ўзи ҳам қўғирчоқбоз, ҳам аскиячи эди. Унинг гуруҳида ўша замоннинг машҳур қизиқчиларидан Файзи меҳтар, Шоди пучуқ, Тўхта ноғорачи, Азиз муаллақ, Ҳамро масхарабоз каби уста санъаткорлар томошалар қўйишган. Сиддиқ калоннинг ўғли Холмурод бобо Сиддиқов ўзининг Качал полвон, Бичахон, Ўлмасхон деган қўғирчоқлари билан Чодир жамол театрида томошалар кўрсатган.

1939 йилда Тошкентда Ўзбекистон қўғирчоқ театрига асос солинди. Мазкур театр кейинчалик ҳозирги отахон театрларимиздан Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрига айланди. Давримизнинг етук қўғирчоқбоз актёрлари бугун янги масканда болажонларга қувонч ва бахт улашмоқдалар. Энг қадимий санъат ҳисобланган қўғирчоқ театри ўзининг ёш томошабинлари каби тобора яшариб, янгиланиб бормоқда.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

---

**Ҳурматли таҳририят! Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан кўчамизнинг номи ўзгарди. Яъни у Зуҳур полвон кўчаси деб атала бошлади. Хўш, бу инсон ким? Ўтмишда қандай ном қолдирган? Илтимос, шу ҳақда маълумот беришингизни истардик.**

**Маҳалла аҳли номидан: Мақсад ДЎСМАТОВ.**

## Кўчаларимиз улар номида

# ЗУҲУР ПОЛВОН КИМ БЎЛГАН?

Тошкентнинг Бешёғоч даҳаси марказида яшовчилар Зуҳур полвонни яхши билишади. Ўша вақтда бу киши Зуҳур полвон номи билан нафақат Тошкентда, балки Туронзаминда ҳам машҳур бўлган. Ҳозирда ҳам халқимиз орасида миллий кураш ва тош кўтаришда ўз маҳоратлари билан донг чиқарган Тожи полвон, Аҳмад полвон, Асқар полвон, Қаюм полвон, Тўлан полвонлар билан бир қаторда Зуҳур полвоннинг номи ҳам тез-тез тилга олиниб туради.

Зуҳур Яҳёев 1909 йилда Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасида туғилган. Унинг отаси Яҳё ака ўта камбағал бўлиб, ғишт заводида ишлаган. Оиланинг қора қозони аранг қайнаб турган. Лекин ота-она қандай бўлмасин ўғилларини илмли қилишга интилишган. Аммо оиладаги муҳит бунга тўсқинлик қилди. Шу сабабли ёш Зуҳур бошланғич мактабни тугатиши биланоқ отаси билан бирга ғишт заводида ишлай бошлади. Ёш ўсмирнинг оғир ишларни бемалол бажара олиши, билагидаги ёшига хос бўлмаган куч-қувват заводдагиларни ҳайратга солар, шундай кезларда Яҳё ака ўғлига ғурур билан боқиб мамнун жилмайиб қўярди.

Ўша кезлари «Комсомол» кўлида (ҳозирги Миллий боғ) тез-тез сайиллар уюштирилиб, уларда халқ орасидан етишиб чиққан полвонлар куч синашарди. Ёш Зуҳурни ишдан сўнг фақат шу ердан топишарди. У беллашувларга синчковлик билан термулиб ўтирар, полвонларнинг ўзига хос сирларини ўзича таҳлил қиларди. Бир куни ғолиб полвонни даврада узоқ айлантиришди. Унга тенг келадиган рақиб топилмади. Шунда 15-16 ёшни эндигина қоралаган Зуҳур чидаб туролмади. «Мен беллашаман» деб ўртага чиқиб кетганини билмай қолди. Томошабинлар бир қалқиб тушишди.

Аммо ҳеч ким уни ўртадаги полвон билан кураш тушишига йўл қўймади. Чунки кучлар тенг эмаслиги шундоққина кўриниб турарди. Қаюм полвон ўзига рақиб бўлиб турган йигитнинг белидан оҳиста маҳкам қучди-да пешонасидан ўпиб қўйди. «Бугундан бошлаб сафимиз яна бир ёш иқтидорли полвон билан тўлди. Бу йигитни ўзимга шогирд қилиб оламан» деди.

Орадан кўп ўтмай Зуҳур полвон халқ орасида курагини ерга тегмас паҳлавон, тош кўтаришда ҳам манаман деган полвонларни доғда қолдирадиган етук спортчи сифатида кенг танилди. У шу кезлари бир неча йиллар давомида Тошкент давлат циркида ишлаб томошабинларга ўз маҳоратини намойиш этди.

Зуҳур полвон кечки сайилларда даврага файз киритса, кундуз кунлари қурилишларда ишлаб, илғорликда ҳамкасбларини танг қолдирарди. Хусусан у Муқимий номли театр биноси қурилишида фаол қатнашди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаҳримизнинг Алишер Навоий кўчасини кенгайтириш ишлари жадаллик билан олиб борилди. Шу муносабат билан кўчанинг ҳозирги марказий телеграф тўғрисида жойлашган, миллий нақшлар билан безатилган «Баланд масжид» биноси бузиладиган бўлди. Бу гўзал обидани сақлаб қолиш ва уни келгуси авлодга етказиш мақсадида бино бошқа жойга кўчириладиган бўлди. Шундай масъулиятли иш Зуҳур полвонга ишониб топширилди. Шундан кейин у бу ишга Сузук ота маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳмуд Ориповни, Зуҳриддин Насриддинов сингари ўнлаб усталарни жалб этди. Бинонинг ғишт, ёғоч ва устунларига зарар етказмасдан туриб бузиб, уни араваларга юклаб Бешёғочга олиб келинди. Шундай қилиб ҳозирги Миллий боғ бурчагидаги муҳташам бино юзага келди. Бу ерда дастлаб қизиқарли суҳбатлар, турли-туман йиғилишлар уюштирилди. Сўнгра ушбу бино 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида музейга айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейингина бино кенгайтирилиб, маърифат масканига айлантирилди.

Зуҳур полвон ўзидан яхши ном қолдириш мақсадида турли қурилишларга зеб берди. Айниқса у ўзи туғилиб ўсган даҳани ободонлаштириш ҳақида кўп ўйлади. Миллий боғнинг ўнг томонидаги 300 хўрандага мўлжалланган «Баҳор» қаҳвахонаси шу тариқа юзага келди. Хадра майдонидаги лағмонхона, Кўкча масжиди яқинидаги ошхона, Янгийўл туманининг Абдулла Ортиқов номли жамоага қарашли «Йўғонтепа» ресторани бевосита Зуҳур полвон иштирокида ва бошчилигида қурилди.

Полвоннинг шогирдлари ҳам жуда кўп. Улардан бири Зайниддин Турсунов ўз устози ҳақида шундай дейди:

— Зуҳур полвон бир гапли, инсонпарвар, раҳмдил одам эди. Мени ўз фарзандидек кўрарди. Буюрган ишини кам-кўстсиз бажарилишини талаб қилар эди. Уйланишимда ҳам катта ёрдам берган. Тўйимизни ўзи бош-қош бўлиб ўтказган.

Асқар полвон, Тўлан полвонлар ҳам Зуҳур полвонни устоз деб билишади. Айниқса Хўжанддан келиб Тошкентда яшаб қолган Асқар полвон унга катта ҳурмат билан қарайди. «Агар шу устозим бўлмаганларида мен ҳаётда кўп нарсаларга эришолмасдим» — дейди у Зуҳур полвон ҳақида мароқ билан сўзлаб.

Тошкентда 1949 ва 1950 йилларда ўтказилган Фарғонача миллий курашда ҳам Зуҳур полвон фаол иштирок этган. У ўнлаб полвонларнинг курагини ерга теккизиб ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олган. Унинг иштирокида ҳозирги Миллий боғда бир неча бор бутун вилоятлардан келган полвонларнинг кўриги ўтказилди.

Шундай қилиб Зуҳур полвон республикамизнинг жуда кўплаб жойларида томошалар кўрсатади. Унинг бу фаолияти «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти ташкил қилингач янада кенгаяди.

Зуҳур полвон олти ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказган. Ниҳоятда одамохун, меҳмондўст бўлгани учун Зуҳур полвоннинг уйига тез-тез дўстлари тўпланишиб туришган. Хусусан академик-шоир Ғафур Ғулом ҳам Зуҳур полвон билан яқиндан ошно бўлган. Шунинг учун ҳам унинг хонадонида Ғафур Ғулом бошлиқ жуда кўплаб шоирлар тўпланишиб, тонготар мушоиралар давом этган.

Зуҳур полвон қисқа умр кўрди. 1963 йилда вафот этди. Лекин шу қисқа умри давомида у тилга олса арзигулик ишларни бажардики, ҳали ҳануз унинг бу хизматлари тилдан-тилга кўчиб юради.

Назиржон ҲОЖИМАТОВ,
Тошкент шаҳар топонимия комиссияси аъзоси.

---




---

## Танловлар

# ЖАСОРАТЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ




**Республикамизда турли йўналишдаги банклар кўпайиб, молиявий жараёнлар фаоллашган сари инкассация хизматига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатимизда бундай хизмат тури ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ривожланган хорижий давлатларда эса банклар фаолиятини мукаммал ва пухта инкассация хизматисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг ташаббуси билан «Инкассатор—96» кўрик-танлови ўтказилди.**

— Ушбу кўрикдан мақсад — инкассаторларнинг ўз касб маҳоратларини нечоғлик пухта эгаллаганликларини намойиш этиш билан бирга инкассация хизматининг вазифаси ҳамда имкониятлари ҳақида оммага кенгроқ тушунча беришдан иборатдир, — дейди республика инкассациясининг директори Боқи Халилов. — Инкассациянинг асосий вазифаси — катта миқдордаги пул маблағлари ва қимматбаҳо бойликларни кераkли манзилга бехавотир, ишончли етказишдан иборат. Банк операциялари, пул айланишининг тезлашуви ва ниҳоят, барча корхона ва ташкилотларда ишловчиларга ойлик маошларини ўз вақтида етказилишида инкассация хизматининг ҳиссаси катта. Шунинг учун ушбу хизматни янада мукаммаллаштириб, уни замонавий техник воситалар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

«Инкассатор—96» кўрик-танлови икки босқичда ўтказилди. «Динамо» стадионида бўлиб ўтган биринчи босқичда инкассаторларнинг жисмоний тайёргарлиги, касб-маҳорати ва фавқулодда ҳолатлардаги амалий ҳаракатлари кўргазмали намойиш этилди. Танловнинг иккинчи бўлимида эса уларнинг касб вазифалари, Ўзбекистон Конституцияси ва ҳуқуқ илми бўйича назарий билимлари синовдан ўтказилди.

— Республика Марказий банкидан вилоятларга жўнатилган пул кўп ўтмай яна Тошкентга «оқиб» келяпти, — дейди Тошкент шаҳар инкассациясининг бошлиғи Ҳамдам Носиров. — Нега? Чунки жойларда пул айланиши яхши эмас. Инкассация хизмати ҳам рисоладагидек йўлга қўйилмаган. Президентимиз бу ҳақда Самарқандда сўзлаган маърузаларида алоҳида таъкидладилар. Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, баъзи жойларда айланишга қўйилган ҳар юз сўмдан 18-20 сўмгина банкка қайтиб келяпти. Пулнинг катта қисми хусусий шахслар қўлида ҳаракатсиз туриб қолмоқда.

Маълумки, дам олиш кунларида шаҳримиздаги кўплаб хусусий дўконлар, бозорларда савдо қизғин бўлади. Банклар эса дам олиш кунлари ишламайди. Демак, агар жума ёки шанба кунлари савдодан тушган пул банкка топширилмаса, ўз-ўзидан аёнки, пулнинг икки-уч кунлик «умри» бекорга, ҳаракатсиз ўтади. Буни шаҳар ва республика миқёсида ҳисобласак, улкан рақамлар ҳосил бўлади. Шундай ҳолатга йўл қўймаслик мақсадида инкассаторлар учун шанба, якшанба ҳам қизғин иш кунлари ҳисобланади, яъни дам олиш кунларида пулларнинг банкка келиб тушиши таъминланади.




— Инкассаторларнинг одатдаги бир иш куни ҳақида айтсам, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошидаги инкассация бирлашмасининг автотранспорт ва моддий таъминот бўлими бошлиғи Эркин Абдухалилов. — У одатда кундузи соат 12 дан сўнг бошланади. Кундалик спорт машғулотлари, қурол билан ишлаш малакасини ошириш, — ходимларимиз учун кундалик талаблардан ҳисобланади. Сўнгра 3-4 кишилик гуруҳларга бўлиниб, махсус машиналарда хизмат йўналишларига чиқадилар. Ҳар бир гуруҳ маълум ҳудуддаги дўконларга хизмат кўрсатади. Мана шундай ғоят масъулиятли ва жасоратли хизмат ҳар куни давом этади.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра Э. Аъзамов ва М. Жалиловлар бошчилигидаги биринчи ва иккинчи гуруҳлар ғолиб деб топилиб, уларга қимматбаҳо совғалар ва янги хизмат машиналарининг калитлари топширилди.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

***СУРАТЛАРДА: инкассаторлар кўригидан лавҳалар.***
***Дмитрий Жаматов олган суратлар.***

---

## Ҳамкасбларимиз

# ҲАЁТГА ФАОЛ МУНОСАБАТДА



Олтмишинчи йиллар адоғида ўзларининг илк машқлари билан адабиётда кўрина бошлаганлар сафида Шодмон Отабекнинг ҳам ўрни бор. У аксарият тенгдошлари каби ишни газетчиликдан бошлади. Дурустгина очерк, фельетонлар ёзди. Танқид қилишга келганда ҳатто ўзининг таниш-билишларини ҳам аяб ўтирмади. Бу борада у гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб бўлди. Лекин умидсизланмади. Ёзаверди. У бу орада таржима соҳасига ҳам қўл урди. Бир қатор жаҳон адабиёти намояндаларининг насрий асарларини, эссе ва адабий-танқидий мақолаларини муваффақият билан ўзбек тилига ўгирди.

Илмнинг сирли сўқмоқларида ҳам ўз истеъдод имкониятларини синаб кўришга улгурган Шодмонбек устози — суюкли адибимиз Мирзакалон Исмоилий ҳақида олиб борган тадқиқотларини жамлаб иккита рисола чоп эттирди.

Шу нарсани дадил айтиш мумкинки, Шодмонбекнинг Мирзакалон акани устоз дейишига маънавий ҳуқуқи бор. Чунки у устоздан кўп нарса ўрганди ва амалиётга тадбиқ ҳам эта билди. Адабиёт ихлосмандлари яхши биладиларки, улуғ адибимиз бадиий тилдан заргарона фойдалана олган ва шогирдларидан ҳам сўз қадрини кўтаришдек масъулиятни талаб қилган эди. Шодмонбек насри билан танишган китобхон устозининг сўздан фойдаланишдаги нозик томонлари шогирд асарларида бўй кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўлади.

Шодмонбек «Япроқдаги нур», «Қорбўрон», «Энг бахтли кун», «Одамийлик синовлари» каби насрий китобларнинг муаллифи. Улардан ўрин олган ҳикоя ва қиссаларнинг марказида 70-80 йиллар одамларига хос табиат тасвири етакчилик қилади. Ёзувчи ўзи кўрганбилган одамлар оламидаги иқлимларни кўрсатишни мақсад қилиб олар экан давр шамолларига юзма-юз турган қалб манзараларини беришга кўпроқ эътиборини қаратади.

«Ширмонбулоқ оқшомлари»дан ўрин олган қисса ва ҳикоя ёзувчининг кейинги ўн йилликдаги ижодининг сарҳисоби сифатида диққатга моликдир. Бу давр Шодмонбек мансуб ижодкорлар гуруҳига имкониятларнинг эшикларини ланг очди. Табиийки, маънавиятдаги тозариш ижоднинг барча соҳаларига ўз шабадаларини олиб кирди. Бадиий ижодда халққа яқинлашиш кайфиятлари кучайди, адабий қаҳрамоннинг оёқлари заминга тегди. Адиблар публицистика эътиборини кучайтирди. Даврнинг оғриқли масалаларини акс эттирувчи куюнчаклик билан ёзилган бадиий-публицистик асарлар кўпая борди.

Ш. Отабекнинг бир қатор олим ва давлат арбоблари билан қилган суҳбатларида кўтарилган масалалар катта шов-шувларга сабаб бўлди. Айниқса, тарихчи олим Б. Аҳмедов билан суҳбати, ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш масалаларига оид мақоллари ўзбек публицистикасининг яхши намунаси сифатида қолади. Ҳаётга фаоллик билан аралашиш ижодкор бадиий қаламининг ҳам чархланишига сабаб бўлди. «Яхши кунларда кўришайлик», «Бир кам дунё» қиссалари адиб ижодининг пишиқ мевалари сифатида кўзга ташланади. Бу асарларга ўзига хослик бахш этиб турган нарса мавзу фаоллигигина эмас, тасвирдаги жозиба ҳамдир.

Муаллиф «Яхши кунларда кўришайлик»да институтлардаги қинғир ишлар, олимлар ўртасидаги адоватлар ва уларнинг айбсиз гуноҳкорлари қисматидаги чизгиларни дадиллик билан очиб ташлайди. Қисса марказида турган Дилшод проректор Абдиев, декан Ғойиб Жалилов каби манфаат қулларининг тубан ишларига бефарқ қараб тура олмайди. Бир сўз билан айтганда, Дилшод институтдаги фаолияти давомида яхшилик ниқобидаги разилликларнинг гувоҳи бўлди. Умуман, илм заҳматларини тортмай ҳар хил илмий даражаларга эга бўлган кимсаларнинг тубан қиёфаларини кўрсатиш адибнинг бош мақсади бўлган ва буни маромига етказиб тасвирлай олган.

Ш. Отабек «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг «Шум боланинг чойхонаси» бўлимини бошқарган. «Чойхона мудири» сифатида таниқли кулги усталари, ҳажвчилар билан мулоқотда бўлди. «Синиқдан бошқаси юқади» деганларидек, Шодмонбекка ҳам кулиш ва кулдира олишдек сифатлар юқа бошлади. Унинг жиддий юзидан кулгу, жиддий қаламидан истеҳзо ва киноя сувларидан, юмор қалампиридан тотинган сўзлар томчилай бошлади. «Рақиблар», «Навоийнинг ҳамкасби», «Қарсаклар», «Хавфли ютуқ» номли ҳажвиялари адиб қаламининг имкониятларини намоён эта олди. Айниқса, «Дўрмон ҳангомалари» ёзувчига шуҳрат келтирди.

Ш. Отабек қизғин ижодий изланишда. У ўзининг муборак эллик ёшини ана шундай халқона руҳда суғорилган бадиий пишиқ асарлар билан кутиб олмоқда. Биз ҳам ширмонбулоқлик адибимизни қизғин муборакбод этамиз.

Исмоил ТЎЛАКОВ,
филология фанлари доктори, Бобур мукофоти совриндори.

---

## Турмуш чорраҳаларида

# ДОҒДА ҚОЛМАНГ

Дам олиш куни эди. Хотиним:

— Адаси, бозорга бориб, 2 кило гўшт олиб келсангиз буларди, ош дамлаб, болалар билан маза қилиб ердик, — деб қолди.

— Ҳа, майли, ош бўлса, ош-да, — дедиму Тошкентнинг машҳур Олой бозорига равона бўлдим. Гўшт расталарини бирма-бир айланиб чиқдим. Хилма-хил гўштлар тилим-тилим қилиб, илгакларга чиройли қилиб осиб қўйилган, қайси бирини олишни билмайсан киши.

— Келинг, отахон, гўшт оласизми, неча кило керак? — дея жағи тинмай жавраётган ёш-ёш йигитлар оқ фартук тақиб, саф тортиб туришипти.

— Гўштинг неча пул, ўғлим? — дея сўрадим улардан бирининг олдига бориб.

— 90 сўм. Тортайми, отахон? — деди у бир бўлак гўштни илгакдан олиб ва кўз-кўз қилиб менга кўрсатиб.

— Мана бу лаҳм гўштингни қирқиб озгина суяк қўшиб берақол, — дедим мен пештахта устига ташлаб қўйилган катта бир бўлак гўштни кўрсатиб. — Ошбоп бўлсин.

— Отахон, биринчидан, бу гўшт яхлитлигича сотилади, неча кило чиқса, ҳаммасини оласиз, иккинчидан, унинг бир килоси 130 сўм туради. Бу бўлак — беш ярим кило.

— Оббо сен-ей, — дедим ҳафсалам пир бўлиб. — Бўлмаса, мана бу бўлагини тортақол, 2 кило бўлсин.

— Бунга суяк қўшилади, — деди у мен кўрсатган бўлакни тарозига қўяркан.

— Ўзининг суяги бор-ку?

— Ўзининг суяги бўлгани билан яна суяк қўшилади, қоида шунақа.

— Қоидангдан ўргилдим.

— Қовурға бўлсинми, иликли суякми?

— Иликли суяк қўша қол.

— Хўп бўлади, отахон. Мана, роппа-роса 2 кило бўлди. Ош бўлсин! — деди сотувчи йигит гўштни менга чаққонлик билан узатиб.

Пулини тўлаб, гўштни целлофан халтачага солиб олдим.

Уйга келгач, ҳалиги гўштни хотинимнинг қўлига тутқаздим:

— Мана, айтганингдек бўлди, онаси, ошга тайёргарлик кўравер, ҳозир сабзисини тўғраб бераман, — дедиму ётоқхонага кириб, кийимларимни алмаштира бошладим.

Шу пайт ошхонадан хотинимнинг:

— Вой-бў, олиб келган гўштингиз нима бало? Суяги кўп-ку, гўштидан. Кўриб олсангиз бўлмасмиди? — деган норизо овози эшитилди.

— Ҳа, нима жин урибди, онаси? — дея унинг олдига келдим.

— Буни қаранг, шу ҳам гўштми? Ярми суякку бунинг. Мана бу тўпиғига нима дейсиз?

— Тўпиғи йўқ эди-ку?

— Бу тўпиқ бўлмай нима? — деди у муштдай тўпиқни башарамга рўпара қилиб. — Шунинг ўзи ярим кило чиқади. Олиб келган гўштингиз икки килога ҳам ўхшамайди, тортиб кўриш керак.

Гўштни қўл тарозисида тортиб кўрдик, роппа-роса 1,6 кило келди.

— Мана, тарозидан ҳам уриб қолган бу ярамаслар, — деди хотиним жиғибийрон бўлиб, сўнг менга юзланди, — тортаётганда тош-тарозига қараб турсангиз бўлмасмиди?

— Қараб турувдим, ҳаммаси тўғри эди, — жавоб қилдим маъюс оҳангда. — Алдабди-да бу муттаҳам йигит.

— Жуда содда одамсиз-да. Ҳамма Сизни алдагани алдаган. Сал пишиқроқ бўлсангиз-чи.

— Мен одамларнинг виждонига ишонаман, инсофи бордир деб биламан.

— Ҳозирги одамларда виждон нима қилсин. Улар виждонни жиғилдонга айлантириб олган. Инсоф дейсиз. Инсоф нималигини улар билармикин? Менимча билмаса керак.

Хотиним жаҳл устида бир талай гапларни гапириб ташлади.

Ниҳоят мен:

— Хўш, нима қилай, гўштни қайтариб олиб борайми? — дедим.

— Қайтариб олиб борсангиз, яна йўлкира тўлайсиз, гўштингиз қимматга тушиб кетади. Бунинг устига гўштфуруш билан тортишиб, асабингизни бузиб келасиз. Худо жазосини берсин бу виждонсизларнинг! — дея хотиним аввалги ҳовуридан бироз пастга тушди.

Ош қилдик, едик. Аммо кўнгил хижиллиги анчагача сақланиб қолди.

Шу-шу бозорга борсам, кичик қўл тарозисини чўнтакка солиб юрадиган, гўштни ўша ернинг ўзида қайта тортиб оладиган, гўшт орасини эса албатта очиб кўрадиган бўлиб қолдим.

Ахир, яна доғда қолмай дейман-да!

Темур ТУРСУН.

---

# АНТИҚА ГАПЛАР

• Бундоқ одам бўлиб, ичишни ташласангиз-чи?!

**(Бир хотиннинг эрига дегани).**

• «Қизил қаламни милтиқ қилиб, уларнинг хатолари овлаб чиқилганда қоғозлар лолазорга айланди. Тил ва адабиёт муаллими лолазорлар орасидан учтасини танлаб олди».

**(«Иншо» ҳажвиясидаги ўхшатмадан).**

• Ҳой, дугонажон, эртага кечроқ келаман, ўрнимга бузоқларни эмизиб қўйгин.

**(Сутчилик фермаси ходимининг илтимоси).**

• «Пайкал чеккасида Полвонов ухлаб ётганида унинг ширадор лабидан қовоқ ари аста ўпич олса ҳам миқ этмади».

**(Туман газетасидаги лавҳадан).**

• «Бу сафар бош ошпаз ўз ёғига ўзи қовурилди».

**(Бир танқиддан).**

• Йигит ўз севгилисини кўрганида юраги ловуллаб ёнсада, ўзини қўлга олди».

**(Севги ҳақидаги ҳикоядан).**

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.

